

THE ROLE OF THE SPIRITUAL ENVIRONMENT IN THE PENETRATION OF POP MUSIC IN UZBEKISTAN.

Ulugbek Rahmonov,

Alijon Ergashev,

Shohidakhon Atabaeva

Teachers of the Faculty of Art History of FSU

Student Yusupjonova Dulfuzakhon,

Abstract: This article focuses on the formation and history of pop art in Uzbekistan, and focuses on the activities of artists and pop groups that have contributed to the formation and development of Uzbek pop art.

Keywords: Pop genres, performing arts, orchestra, works

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭСТРАДА ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ КИРИБ КЕЛИШИДА МАЪНАВИЙ МУҲИТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.

ФДУ Санъатшунослик факультети ўқитувчилари Улуғбек Раҳмонов, Алижон Эргашев,
Шоҳидахон Атабоева ва талаба Юсупжонова Дилфузахон

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда эстрада санъатининг шаклланиши ва тарихи ҳақида фикр юритилган бўлиб, ўзбек эстрада санъатининг шаклланиши ва ривожига ҳисса қўшган санъаткорлар, эстрада жамоалари фаолиятига урғу берилган.

Калит сўзлар: эстрада жанрлари, сахнавий санъат, оркестр, асарлар.

Инсон қалбини, унинг дарду ташвишларини, халқнинг орзу-интилишлари, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини бетакрор сўз, оҳанг ва мусиқий товушлар орқали кириб келиши инсонларнинг маънавий туйғуларни шаклланишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Малакатимизда олиб борилаётган бугунги кенг кўламли ислохотлар янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида мусиқа маданиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Юртимиздаги бугунги ижодий муҳитни кузатсак, мусиқани бошқа жанрлар қаторида эстради йўналишига ҳам кенг тарзда кириб келмоқда.

Эстрада – испанча сўз бўлиб, estrado у тахта супа маъносини билдиради. Эстрада санъати бу кенг маънода – кўнгилочар, оммабоп бадий, яъни, мусиқий, рақс, томошавий жанр ва шаклларнинг умумий ифодасидир, шу билан бир қаторда сахнавий санъат туридир. Эстрада Россия ва бошқа баъзи мамлакатларда эстрада, Англияда мюзик - холл, Францияда варьете, кафешантан, кабаре, АҚШда шоу, ревью каби атамалар билан юритилади. Эстраданинг келиб чиқиши халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ бўлсада, у муайян тижорат - оммабоп санъат тури сифатида XIX асрда Европанинг йирик шаҳарларида демократик ижтимоий - маданий муҳитида юзага келган. Эстраданинг асосий шакли махсус жойларда, мунтазам равишда ўтказиладиган эстрада концертидир. У бир нечта ёки якка артист, сўз устаси, хонанда, раққос, актёрнинг бадий тугал, турфа мазмундаги кичик чиқишларидан иборат бўлиб, ифода воситаларининг лўнда ва ёркинлиги, ўзига хослиги, иштирокчиларнинг томошабин билан бевосита мулоқотда бўлиши билан ажралиб туради. Эстрада томошалари баъзан, конференсье бирлаштирган мавзули дастур асосида тузилади. Европада эстрада томошалари дастлаб кафе ва ресторанларда, кейинчалик мослаштирилган театр бинолари ва бошқа жойларда ўтказилган. Уларда сўз усталари, қўшиқчилар, раққос ва раққосалар, шунингдек, акробат, кўзбоғловчилар иштирок этган. Ҳозирда эстрада сахналарида монолог, фельетон, ҳажвий ҳикоя каби нутқ жанрлари, эстрада миллий, бал ва бошқа рақси, куплет ва эстрада кўшиғи, кўпгина цирк турлари яъни, акробатика, жонглёрлик, фокус ва бошқалар театр миниатюриси, кўғирчоқбозлар чиқишлари, пантомималар кабиларни ўз ичига олади¹.

¹ Н.Аманова. Жаз ва эстрада мусиқаситариhi. Тошкент. 2014

Ўзбекистонда, бошқа Шарқ мамлакатларида бўлгани каби, эстрадининг ривожланиши қуйидаги кўринишларда бўлган. У бир томондан анъанавий санъат намуналари сахна талабларига мослаштириб ўзгартирилган. Масалан, Тамарахоним ва М.Қориёқубов ижросидаги халқ лапарларининг сахна талқинлари, Юсуфжон қизиқнинг аския анъаналарига асосланган конференсьелик чиқишлари ёки миллий жанрлар негизида М.Турғунбоева Уста Олим билан биргаликда ижод қилган “Пахта”, “Пилла” каби оммавий янги сахна рақслари турлари яратилган. Иккинчи томондан, Ўзбекистон эстрадаси чет эл санъати шакл ва услублари жаз, эстрада оркестри, мюзик-холлни ўзлаш-тириши билан бойиди. 1956 йилдан Ўзбек эстрада театри, кейинчалик Ўзбек давлат эстрада бирлашмаси 1996 йилгача фаолият кўрсатган. Ҳозирда Ўзбек-истонда эстрада санъатини ривожлантириш, эстрада жамоалари ҳамда якка ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш каби вазифалар “Ўзбекнаво” бирлашмасига юклатилган. Эстрада ўқув йўналиши сифатида махсус таълим тизимига киритилган. 1996 йилдан Тошкент эстрада коллежи, Ўзбекистон давлат консерваторияси ва бошқа мусиқа ўқув юртларида эстрада факультетлари мавжуд. Гапимизни изохлаш учун эстрадага оид бўлган айрим йўналишларга изоҳ бериб ўтамиз.

Эстрада оркестри – оркестр тури бўлиб, у эстрада мусиқаси ва жаз намуналарини ижро этувчи ижодий жамоадир. XX асрнинг йигирманчи йиларида жаз оркестри негизида юзага келган. Таркибида ўн тўрттадан ўттизтагача ва ундан ортиқ созандалардан ташкил топади. Улар куй йўлини ижро этувчи мелодик оҳангда асосан, мис пуфлама чолғулар уч-тўрт труба, уч-тўрт тромбон, тўрт-беш саксофон ва ритмик фортепиано, электр гитаралар, урма чолғулар гуруҳлардан иборат. Эстрада оркестрининг торли-камонли скрипка, виолончель каби чолғулар қўшилиши ҳисобига кенгайтирилган тури симфоник жаз эстрада-симфоник оркестри деб аталади. Эстрада оркестри таркибига, шунингдек, хонанда, раққос ва бошқа санъаткорлар кириши мумкин. Ўзбекистонда илк эстрада оркестрлари 1940 - 50 йилларда шаҳар боғлари, рақс майдончалари ва бошқа жойларда фаолият кўрсата бошлаган. 1958 йилда Ўзбек давлат эстрада оркестри 1972 йилгача ташкил топди. Унинг биринчи бадий раҳбари Ш.Рамазонов, дирижёр А.Двоскин, яккахон хонандалар орасида Ботир ва Луиза Зокировлар, Клара Жалилова, Баҳром Мавлоновлар, Исоҳор Оқилов ва М.Гердт раҳбарлигидаги рақс гуруҳи ҳамда сўз усталари А.Қобулов ва Ф.Аълоев бўлганлар. Дастуридан хорижий Шарқ мамлакатлари Миср, Сурия, Хиндистон композиторларининг эстрада оркестри учун Ян Френкель томонидан аранжировка қилинган асарлар “Арабча танго”, Дарис ал-Атрошнинг “Гўзал қизга”, Раҳбанининг “Арзихамари”, ўзбек композитор-лари асарларидан М.Бурҳоновнинг “Мафтун бўлдим”, Ш.Рамазоновнинг “Эй, меҳрибоним”, “Наманганнинг олмаси”, Икром Акбаровнинг “Газли”, “Раъно”, “Кайдасан” асарлари ўрин олган².

XX асрнинг 60-йилларига эътибор қаратсак, Ўзбекистонда қуйидаги эстрада оркестрлари фаолият кўрсата бошлаган. Ўзтелерадиокомпанияси қошидаги эстрада симфоник оркестри 1963 йили ташкил топган, унга биринчи бадий раҳбари Х.Изомов, дирижёрлари – Э.Солихов ва Е.Живаев, хонандалари – М.Шамаева, Р.Шарипова, Ю.Тўраев, С.Рахимов, А.Июшпе, Э.Ўрозбоевалар фаолияти билан боғлиқдир. 1997 йилдан бош дирижёри А.Икромов мазкур жамоалар билан кўпгина Ўзбекистон композитор ва аранжировкачилар Х.Изомов, Э.Солихов, А.Калварский, А.Кролл, А.Малахов, Е.Шварц, Е.Живаев, Е.Ширяев, Ф.Янов-Яновский, Э.Каландаровлар асарлар яратишган. Кейинги йилларда ўзбек композиторларидан Р.Абдуллаев, Б.Лутфуллаев, А.Назаров, А.Мансуров, Д.Омонуллаева, А.Расулов, Ф.Холиков, Хабибулло Рахимов, В.Сапаровлар, хонандалардан Б.Лутфуллаев, Ю.Абдуллаева, Г.Эркулова, Х.Шеров, П.Борисов, Д.Марасулова, Н.Носирова, Э.Рўзиматов, Д.Исмияминова ва бошқалар ижодий ҳамкорлик қилмоқда. Халқ бадий жамоалар дирекцияси таркибидаги Ботир Зокиров номидаги эстрада оркестри 1994 йили биринчи дирижёри А.Хабириханов, ҳозирда дирижёр – Е.Живаев, бадий раҳбар – М.Тошматовлар фаолият олиб боришди. Дастуридан жаз мусикасининг мумтоз намуналари С.Кентоннинг “Бродвей”, Б.Гудменнинг “Савондаги рақс”, Х.Тизолнинг “Карвон”, ўзбек композиторлари асарлари Д.Омонуллаеванинг “Ёмғир ёғди”, М.Тошматовнинг “Ширин эртақлар”, Э.Каландаровнинг “Йўлда” ҳамда ўзбек мумтоз намуналарини Е.Живаев томонидан “Муғулчаи Дугоҳ” эстрада аранжировкалари ўрин олган³.

² Ю.Тўраев. Ўзбек эстрадаси хонандалиги. Тошкент.2004

³ М.Умаров. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи. Тошкент. 2009.

“Ялла” вокал – чолғу эстрада ансамбли - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган давлат вокал - чолғу “Ялла” ансамбли – ўзбек мусиқий эстрада санъати ривожига катта ҳисса қўшган, республикада етакчи вокал - чолғу ансамбл-дир. 1970 йилда Тошкент театр ва рассомлик санъати институти қошида институт ўқув театри директори, шоир Г.Рожков ва дастлабки мусиқа раҳбари – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, композитор Е.Ширяев ташаббуси билан ВИА шаклида ташкил топган. Иштирокчилари Ф.Зокиров 1976 йилдан бадиий раҳбар, Ш.Низомитдинов, Л.Қандалова, Б.Жўраев, С.Аванесов, А.Фатхуллин, Н.Бойхонова. 1971 йилдан Ўзбек концерт таркибига кириб, 1975 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ансамбль” унвонига сазовор бўлган. 1970 йиллар охирида ансамблга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Р.Илёсов мусиқа раҳбари ва аранжировкачи бўлиб фаолият олиб борган. 1994 йилларда Ж.Тўхтаев, А.Алиев, А.Тўлагановлар келиб қўшилган. “Ялла” ижодида миллий оханг ва усуллари рок мусиқа “блюз-рок”, “софт рок”, “рок-н-ролл”, Европа ва Шарқ мусиқий эстрада шакллари ҳамда оммавий мусиқанинг бошқа воситалари билан уйғунлашиб, ўзига хос жўшқин ва жозибали услуб шаклланишига асос бўлди. Дастуридан фольк-рок услубида қайта ишланган ўзбек халқ кўшиқ, ялла ва ашулалари “Бойчечак”, “Юмалар - юмалаб”, “Қилпиллама”, “Ғайра – ғайра”, “Ҳандалак”лар, ўзбек композитор-лари С.Юдаковнинг “Ўзбекистон”, Э.Солиҳовнинг “Қиз бола”, Ф.Янов-Янов-скийнинг “Баҳор қасидаси” асарларини аранжировка қилинган. У ўз яратган кўшиқлар “Мажнунтол”, “Сумалак”, «Масхарабозлар», «Сен бўлмасанг ёнимда», «Мусиқали чойхона», «Лейли», “Учкудук”, “Шаҳрисабз”, “Тошкентим онам”, “Юрт ишқида ёнаман”, “Бугун байрам”лар ўрин олган. Айниқса, 1984 йили “Яллама – ёрим” ва 1987 йили “Мусиқали чойхона” театрлаштирилган дастурлари машҳур бўлиб, Ўзбекистон ва кўпгина чет мамлакатларда намоиш этилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алавия М. “Ўзбек халқ кўшиқлари”. Тошкент. 1959 йил.
2. Кароматов Ф. “Терма, лапар, ялла”. Тошкент. 1985 йил.
3. Сафаров О. “Ўзбек болалар поэтик фольклорлари”. Тошкент. 1985 йил.
4. Караматов Ф.Н. “Ўзбек халқ мусиқа мероси”. Тошкент. 1985 йил.
5. Акбаров И.А. “Мусиқа луғати”. Тошкент. 1987 йил.
6. Клитин С. Эстрада. Ленинград. 1987 г.
7. Димитриев Л. “Основы вокальной методики”. Москва. 1963 год.
8. Чазоренко И. “Искусство пения”. Москва. 1963 год.
9. Қодиров М. “Ўзбек халқ оғзаки драмаси”. Тошкент. 1963 йил.